

Визга қишлоқни ривожлантиришдаги туб ўзгаришларни — сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ўзгаришларни, жамиятимиз ҳаёти фаолиятининг энг асосий соҳаларидан бирида тўпланиб қолган муаммоларни энг қисқа муддатда ҳал қилишни таъминлайдиган, шу тариқа қишлоқ меҳнатчиларининг ташаббуслари учун кенг уфқ очиб берадиган аграр сиёсат керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ.



ПУДРАТНИНГ ҚУДРАТИ

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хонқа районидagi «Правда» колхоз коллективни мана бир неча йиллардан бери бригада ва оилавий пудрат усулида меҳнат қилаётди. Бу ўз самарасини бермоқда. Утган йили хўжалик миришорлари пахта тэйбёлаш йиллик планини мўддатидан анча илгари бажардилар. Давлатга юқори сортли том ашё сотилди.

Хўжалиқдаги пахтачилик бригадаларидан бирига моҳир пахтакор Бойбек Қаландаров раҳбарлик қилиб келади. Бригадада 43 киши ишлайди. Уларнинг ҳаммаси оилавий зевео пудрат усулида меҳнат қилиб, яхши натижага эришяпти. Дехқонлар эрининг ҳақиқий хўжайини ўзлари эканликлари учун ҳис этмоқдалар. Бунинг натижасида уларнинг моддий манфаатдорликлари ҳам яхши бўляпти. Коллектив бу йил ҳам ана шу усулда ишламоқда. Улар ерлар ва техникани барака уруғи қадашга шай қилиб қўйишган.

Суратда: илгор бригада бошлиғи Бойбек Қаландаров коллектив аъзолари билан.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ДЕҲҚОН - ЕРГА, ЕР ЎЗ

Кўрсатма кутиб ўтирманг

Бу гапни курултойнинг бевосита иштирокчиси бўлганимдан, юзага килган муаммолар ҳамда республикамизнинг дондор кишилари билан бир сафда баҳс юрғатганимдан маълум.

Уч йилдирки, коллектив пудрат асосида меҳнат қилинмоқда. Бугунги кунда бу усулнинг пахтачиликдаги роли барчага аён бўлиб қолди. Ҳазирдан мисол. Утган йили давлатга 300 тоннадан ошдириб пахта сотдик. Ҳар гектар ерда пландаги 28,7 центнер ўрнига 30 центнердан ошдириб чиқардик. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, оилавий пудрат асосида ишлаётганларга ҳар томонлама тўла эътибор берилиши зарур. Токи дехқон эрининг ҳақиқий хўжайини эканини ҳар доим ҳис қилсин.

Кўрсатма кутиб олиш билан утган йили гузанин С — 4727 нави экан эдик. Ҳоли эътибор бўлмади. Лекин биринчи марта бирор килограмм ҳам пахта тошпирмадик. Ҳали ҳам план юқоридан белгилангани. Натияжада айрим раҳбарлар экан майдонларининг асосий қисми пахтага ажратилганига қармай, илочи борица янада кўпроқ ерга чигат экиш пайида бўлмоқдалар. Аслида бугунги кунда биз

маҳсулот ишлаб чиқарса бўлади. Бунинг учун хўжалик йили кўрсатди. Фақат тадбиркорлик керак. Брдамчи хўжалиқларда чорвачиликни ривожлантириш йўлиларини қидириш лозим.

Хўш, биз дала ишларини қандай уюштирямиз? Қишда 40 гектар эрининг шўрини ювандик. Ҳозир эрининг нами яхши. Қолган 60 гектар ерга жуён тортиб, сув қўяямиз. Бу тадбир чигатининг тўла унб чигишига ёрдам беради. Чигит унб чиққач, яна ердаги намликни сақлашга эътибор бериш лозим. Бунинг учун бир пайтлар қўлланилган, култиваторнинг кейинги ишчи органларига ўрнатилган махсус мосламалардан фойдаланиш керак. Бу мослама майдонларнинг бир йўла бороналаб кетади. Шунингдек, биз донмо агротехник тадбирларни ўтказишда тажрибали дехқонлар мададида, маслаҳатига таянамиз. Ютуқларимиз боиси ҳам асосан шунда, деб биламиз.

В. ДАГАРОВА, Сирдарё вилояти, Оқтобёра районидagi Оқуёбёра номида совхоз пахтачилик звеноси бошлиғи.

ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР...

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси ҳақда ўткир бўлиб турган ҳозирги вазият республикамизнинг бой табиий-иқлим шартлари ва сугорилмаган ерлар имкониятларидан самарали фойдаланишни таъзоо қилмоқда.

Бу борада фақат ерин ҳақиқий соҳибларига қайтариш муваффақият гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мана шу мақсадда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳот авж олдирилляпти. Турли тадбирлар билан бир қаторда шахсий томорқа хўжалиқларини кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилляпти.

Бу бекиз асос, Чунки шахсий томорқа хўжалиқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда юқори. Масалан, республикамиздаги шахсий томорқаларда 2,4 миллиард сўмлик ёки қишлоқ хўжалиқ ялли маҳсулотининг 24 проценти ишлаб чиқарилмоқда. Агар пахта фақат колхозлар ва давлат хўжалиқларида етиштирилиши ҳисобга оладиган бўлса, шахсий хўжалиқларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи қарийб 40 проценти ташкил этади.

Қаранг, жами майдонларнинг 4,2 процентига эга бўлган шахсий хўжалиқларда шунча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади экан. Чунки одамлар ўз томорқаларини ҳақиқий хўжайинлари бўлиб, унинг ҳар бир қариқидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Бунинг қуйидаги мисоллардан ҳам кўра бўлади. Ҳозир бир гектар ер ҳисобига жамоат секторида 2 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот етиштирилмоқда. Шахсий хўжалиқларда эса бу кўрсаткич 12 минг сўмни ташкил этади.

Ийрик хўжалиқлар майдонларига қараганда ҳар тарafdама усту ривожланиши мумкинлигини ҳозир исботлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Лекин шунинг эътибори етиш керакки, шахсий хўжалиқлар эгаллари ўзлари учун маъмул ва фойдаланган маҳсулотини етиштиридилар. Бир жойдан йилга икки, уч мартага ҳосил оладилар. Уни аса қачон, қарерда хоҳсалар, харидор билан легишдан ҳолда сотадилар. Ана шу имконият уларни ерининг ҳақиқий соҳибига айлантиради, уни ардоқлаш, унуждорлигини ошириб боришга йўллайди. Чунки томорқа эгаси кўпроқ ва си-

ри ва қишлоқдаги бошқа кишилар шахсий томорқада маҳсулот етиштиришга қатнашади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, шахсий хўжалиқларнинг ер майдони нам бўлса-да, жуда кўп маҳсулот етиштиради. Шунинг ҳисобга олиб, қуйидаги ҳисобларда маҳсулотлари етиштирилган ҳозирги шартларда бундай хўжалиқларни янада кенгайтириш лозим. Бир пайтлар республикамизда томорқаларнинг ҳажми 0,25 — 0,50 гектар ҳам бўлган. Кейинчалик бу 0,13 — 0,14 гектарга камайтирилди.

Болтиқбўйи республикаларида ҳозир шахсий хўжалиқларнинг ер майдони 0,45 — 0,60 гектарни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ҳозир аҳолидаги мавжуд томорқаларга қўшимча равишда бошқа ерлардан майдонлар ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шуниси диққатга сазоворки, шахсий хўжалиқларда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қўллайтириш учун унча кўп капитал маблағлар талаб қилинмайди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлашни тезроқ ҳал қилиш масаласи қўндалган бўлиб турган ҳозирги шартларда шахсий хўжалиқларни ривожлантириш фақат томорқа эгаларининггина эътиборини қозғирамай, бозога кўпроқ маҳсулот келишига ёрдам беради. Маҳсулот сероб бўлса, нарх-навоининг пасайиши муқаррардир.

Ҳозир кўнчилик колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари агар ерларнинг бир қисми аҳолига бериладиган бўлса, давлат бюржумаси бажарилмай қолши ҳақида ҳақиқий ташвиш билдирмоқда.

Шахсий хўжалик баракаси

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (минг тонна)	Ишлаб чиқариш шартлари яхшиланганда	Умумий миқдорга нисбатан процент ҳисобида
262	81	31
2558	1177	44
776	279	36
404	197	49
2650	1693	64
2218	733	33
24	16	66
1380	492	36
10049	2437	24
6249	2437	39
4861	203	4
2067	12005	—

картошка 262 81 31
 сабазавотлар 2558 1177 44
 полиз 776 279 36
 гўшт 404 197 49
 сут 2650 1693 64
 туҳум (млн. дона) 2218 733 33
 жуз 24 16 66
 қорақул (минг дона) 1380 492 36
 Ялли маҳсулот баҳоси (млн. сўм) 10049 2437 24
 Пахтадан бошқа маҳсулот баҳоси (млн. сўм) 6249 2437 39
 Жами ҳақдалаган ва кўп йиллик ўсимлик эклган майдон (минг гектар) 4861 203 4
 Бир гектар майдон ҳисобига олинадиган даромад (сўм) 2067 12005 —

С. УСМОНОВ, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиғи экономикаси илмий тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ академиғи.

ДОЛЗАРЪ ПАЛЛА

СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТИ. Жарқўрғон районидagi Н. Боймуродов номида колхозда қўнчилик рентабелли соҳага айланиб бормоқда. Бу ерда оилавий пудрат усулига ўтилган бунга имкон бераётди. Масалан, утган йили меҳнатини ташкил етишининг илгор усули туфайли 22 минг сўм фойда кўрилди. Ҳозир отарларда тўла маъсуми аямда. Соғилардан соғлом қўнлар олинляпти. Чорвадорларнинг ияети — ҳар юз соғилдан 105 тадан қўн олиб, уларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдириш. Хўжалиқнинг Баббой Тилозов бошлиқ отарида бу иш яхши, намунали ўтказилляпти. Отарида 425 соғил бор. Ҳозиргача соғилларнинг ярмидан кўпи қўнлади. Шуниси кўнчилик, унинг ҳаммаси дуртун ва соғлом.



Суратда: хўжалик бош зоотехники Иброҳим Раҳмонов (чапда) Баббой Тилозов отаридаги қўнларини кўздан кечирмоқда.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

28 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон ССР Давлат арбитражининг фаолиятини тўғрисида масала кўриб чиқилди. Республиканинг бош Давлат арбитри Р. А. Хачатуров ҳисобот берди.

Президиум Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи Бунитифонд XIX партия конференциясининг талабларини ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Давлат арбитражи органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш ҳамда хўжалиқда қўнчиликни ва шартнома интисомига мус таҳкамлашда уларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, республика корхоналари ва ташкилотларининг хўжалиқ фаолиятини таъсир кўрсатишини ҳуқуқий ва иқтисодий методларни кучайтириш соҳасида муайян иш олиб бо-

раётганини таъкидлади. Қабул қилинган тадбирлар республиканинг шу йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтган корхоналари ва ташкилотларининг ўзаро муносабатларини бир мунча яхшилаш имконини беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи фаолиятида ҳали туб бурилиш содир бўлмади. Давлат арбитражининг иш даражаси туб иқтисодий ислоҳот талабларига мос келмайди. Шартнома интисомига, маҳсулот сифатига риоя этилишини назорат қилишга оид янги ваколатлардан етарли даражада тўлиқ фойдаланилмади. Социалистик мулкнинг муҳофазасида қишлоқ хўжалиқини таъмиркорлик режимида ва нобудгарчилик шартларида етишини кучайтириш мақсадиди оғоҳлантувчи ишларнинг ҳуқуқий восталари ва бошқа формалардан сует фойдаланилмади.

Арбитражга оид қарорлар сависини анча ошириш, хўжалик низоларини ҳал этадиган министрликлар, идоралар ва бошқа органлар арбитражлари фаолиятини устидан назоратни кучайтириш, экономикда, тармоқ министрликлари ва идораларида қолдиқ механизмни тез очиб ташлаш мақсадида халқ хўжалиғида ҳуқуқ бўзишлар тўғрисидаги ахборотдан яхшироқ фойдаланиш талаб этилади.

Президиум кўриб чиқилган масала юзасидан республика Давлат арбитражи олиб бораётган ишлар ҳозирги талабларга мос келмайдиган, деб эътироф этди.

Ўзбекистон ССР Давлат арбитражида хўжалик юристининг илгор методларини жорий етишга ва улардан самарали фойдаланишга ёрдам қилишга теорияларда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан контролни кучайтириш,

ФАҚАТ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН

28 март куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозғоғистон Алоқа министрликларининг беш министри ҳамкорлигини келтириш тўғрисида қўнма протокол имзоладилар. Бундан мақсад — телевидение ва радио программаларини миллиятларга айирбошланиши тақомиллаштириш, алоқа хизматини янада ривожлантириш, региондаги кўп миллиятли аҳолига хизмат кўрсатишини яхшилашдан иборат эди.

Ўзбекистон учрашув ташаббускори бўлди. Ўтган йилнинг ноябрь ойидаги барча республикалар ўзларининг конкрет таклифларини тэйбёраш бошладилар ва министрликларнинг вакиллари долзарб муаммоларни муҳофиза қилиш учун тўпланидилар.

Айниқча, телевидение ва радио соҳасида илгари тўпланиган ҳамжиҳатлик тажрибаси ишга ёрдам беради. Шу билан бирга муаммоларни таҳлил етиш бўлимлари аҳолининг талаблари ҳаминча ҳам ҳисобга олинмаётган.

БЕШ РЕПУБЛИКА АЛОҚАЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

маблағлар сарфлашни талаб этадиган тадбирларга кўра, XIII беш йилликни ўз ичига олади. Йўлдан орқали алоқани ривожлантиришга, республикалар ўртасида халқ-хабарлар юборишни жадаллаштиришга, газета ва журналлар айирбошланишга, республикаларнинг четарлари орқали телефон линиялари ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Министрлар барча алоқа тармоқларини ўз ичига олган, аниқ мақсадга қаратилган узоқ муддатли комплекс программани ҳам ишлаб чиқишга қарор бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков иштирок етидилар.

(ЎзТАГ).

(Учрашув тўғрисидаги баътафсил ҳисобот газеталарининг навбатдаги соғиларини бирга еълон қилинади.)

